


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД-5313000-2.21
2021 йил “04” 06

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
121 -сонли буйруғи
2021 йил “04” 06



БИОЭТИКА МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500000	- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000	- Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналишлари:	5313000	- Биотиббиёт муҳандислиги

ТОШКЕНТ – 2021

Тузувчи:

Исоқов Э.З.

ФЖСТИ Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудири, т.ф.д..

Такризчилар:

Ашурова М.Ж.

ФЖСТИ, Каммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси мудири, т.ф.н.

Абдуллаев И.К.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, “Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедра мудири, т.ф.д.

Модул дастури Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида ишлаб чиқилган.

Модул дастури ФЖСТИ Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “ 8 ” Январдаги “6” – сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “ 13 ” апрелдаги “3”–сонли баённома билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги “121” – сонли буйруғининг 1 – иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги даврда шифокорларнинг амалий фаолиятида ва ҳаётда шундай ҳолатлар бўладики, уни этик ёндашув билан таҳлил этишни талаб этилади. Билимнинг янги соҳалари тиббиёт этикаси, биоэтика, биотиббий тадқиқотлар этикаси бутун дунё аҳлини янада кўпроқ ўзига жалб қилиб, биринчи навбатда шифокорлар ва олимлар томонидан турли хил муаммоли, зиддиятли масалаларни ҳат қилишда ва тадқиқотларни режалаштиришда халқаро этик стандартларга жавоб берадиган талаблар янада ортиб бормоқди.

Биоэтика – модуллараро билим соҳаси ҳисобланиб, тиббиётнинг ва биологик модулларнинг тезкор ривожланиши билан боғлиқ соғлиқни сақлашда юқори технологиялардан фойланишда юзага келадиган кенг кўламдаги фалсафий этик муаммоларини қамрам олади. Биологиянинг ривожланиши ҳозирги замонда тиббиётда цивилизацион янгиланишлари жароёни билан боғлиқдир. Тиббиётдаги традицион қадриятлар раҳм-шавқат, мижоз саломатлигига зарар етказиш ва бошқа ҳолатларда янгича маънавий аҳамият оҳанга эга бўлмоқда.

Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсади – бўлажак мутахассисларда ахлоқий ҳукуқий маданиятни шакллантириш, замонавий биоэтикани асосий бўлимлари, концепциялари тамойил ва қоидалари, мезон ва муаммолари билан таништириш, асосий халқаро қонунчилик ва ЎзРнинг тиббий қонунчилигини таништириш, этик-қонуний ҳужжатлар таҳлил қилишда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш, шифокорда касбий-этика қобилятини шакллантириш, мураккаб этик-ҳукуқий вазиятларида мушоҳада ва мунозаралар олиб бориш, далиларни келтиришни ўрганиш ва кўникмага эга бўлиш.

2.2. Модулнинг вазифалари:

Биоэтика модулини ўқитиш талабалар онгида гуманизм, ҳаёт ва фаолият мазмуни, одоб ва ахлоқ қадриятлари билиш ва уларни ҳар кунлик ҳаёти ва касбий фаолиятида фойдаланишни ўрганиш, шифокорлик фаолияти соҳасида вужудга келадиган ахлоқий муаммолар ўзоқ даврлардан буён жамиятнинг муаммоларидан бири ҳисобланади. Барча даврларда шифокорлик фаолияти мураккаб ва шарафли касб ҳисобланади. Шифокор ўзининг касбидан келиб чиқиб юксак маданиятга, беморлар, одамлар ва жамиятга нисбатан чуқур инсоний ҳурмат ва муҳаббат каби юқори ахлоқий сифатларга эга бўлиши керак.

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

- муаммоларни таҳлил қилишни усул ва йўллари;
- илмий билишнинг шакл ва усуллари ва унинг эволюцияси;
- тиббиёт тизимлари ва тиббиёт мактаблари тўғрисида тасаввур;
- соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги таълимот, “шифокор ва мижоз” ўртасидаги муносабат;
- тиббиётнинг улкан намоёндалари ва илмий кашфиётларни очилиши, гуманистик ғояларни тиббиётга таъсири;

- хорижий ҳуқуқ, нормалари, ахборот ҳуқуқи, конституцион, фуқаролик меҳнат, оила, маъмурий ва жиноий ҳуқуқлар;
- шифокорлик фаолиятининг ахлоқий-этик нормалари, қоида ва тамойиллари, шифокор ва миждознинг ҳуқуқлари, замонавий қонунчиликнинг этик асослари;
- шифокорнинг жамиятдаги мажбурияти, ҳуқуқлари ва ундаги ўрни;
- халқаро ташкилотлар, Ўзбекистоннинг ва халқаро касаба уюшма, тиббиёт ассоциацияларнинг асосий этик ҳужжатлари;
- фикрларнинг хилма хиллиги шароитида зиддиятларни хал қилишда бахс-мунозара олиб бориш принципи зиддиятларни хал қилишнинг асосий йўллари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- Ўзбекистон ва унинг ташқарисидаги ижтимоий вазиятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш шунингдек, ўзининг фаолиятини ушбу таҳлил натижаларидан келиб чиқиб мустақил амалга ошириш;
- аниқ амалий вазиятларда меҳнат тўғрисидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий актларга таянган ҳолда меҳнат қонунчилигини қўллаш;
- шифокорлар ва турли катламдаги миждозларни фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- жамодаги аъзоларни ишчан фаолият муносабатларини қўллаб қувватлашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- мустақил нуқтаи назарга, таҳлил қилишга, мантикий фикрлашга, оммавий чиқишларда ахлоқий-этик фактларга асосланишга, мунозара ва бахсларда шифокорлик этикаси тиббиёт деонтологияси томоийилларига амал қилиш;
- миждозлар ва улар қариндошларга “информацион келишув” талаблари ва қоидалари мос равишда ахборотлар бериш;
- модулни ўрганиш жараёнида касбий фаолиятда билим, кўникма ва малакаларини қўллаш **малакаларига эга бўлиши керак.**

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

1-мавзу: Биоэтика: асосий тушунчалар ва тамойиллар. Замонавий биоэтикада муаммовий вазиятлар.

Этика, профессионал этика, тиббий профессионал этика, деонтология, тиббиёт деонтологияси. биотиббиёт этикаси, биотиббий тадқиқотлар этикаси ва улар ўртасидаги боғлиқлик. Биоэтика фалсафий модул сифатида. Тиббиётдаги муаммоли вазиятларнинг асосий йўналишлари: шифокор ва бемор ўртасидаги муносабатлар, биотиббий тадқиқотлар этикаси, соғлиқни сақлаш. Инсон ҳаёти бошланишининг ахлоқий ва ҳуқуқий муаммолари: сунъий уруғлантириш ва ҳомиладорликни тугатиш, ҳолатни белгилаш, инсон эмбрионининг нормаси ва патологияси.

2-мавзу: Биотиббий этикадаги ҳаёт ва ўлим муаммоси. Инсон ҳаётининг бошланишидаги ахлоқий дилеммалар.

Ҳаёт ахлоқий ва фалсафий муаммо сифатида. Инсон ҳаётининг сифати ва қадриятлари муаммоси, устувор масалалар. Инсон ҳаётининг бошланиши ва охири мезонлари. Инсоннинг яшаш ҳуқуқи. Инсон ҳаётининг репродуктив ахлоқий жиҳатлари. Ҳомила статуси ва ҳуқуқлари. Янги репродуктив технологиялар: ахлоқий мезонлар. Сунъий уруғлантириш. Ин витро уруғлантириш.

3-мавзу: Биотиббӣй тадқиқотлар этикаси ва методологияси. Биотиббӣй тадқиқотларни этик экспертизасини ҳуқуқий таъминлаш

Клиник амалиётдаги фарқларнинг ахлоқий ва услубий жиҳатлари, биометиббӣй тадқиқотлар, "экспериментал терапия". Шифокорнинг терапевтик ва илмӣй-тадқиқот фаолиятини этик жиҳатдан тартибга солишни таъминлайдиган халқаро ҳужжатлар. Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил қилиш ва фаолиятининг ахлоқий жиҳатлари. Замонавий соғлиқни сақлаш ва беморларнинг ҳуқуқлари, уларнинг давлат томонидан ҳуқуқий таъминоти. Ўзбекистон Республикасида тиббӣй хизматлар ва биотиббӣй тадқиқотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари.

4-мавзу: Соғлиқни сақлашда ахлоқий муаммоларни ҳал қилиш тамойиллари. Замонавий биотиббӣй этикани институционализациялашуви. Биотиббӣй этика бўйича қўмиталар.

Тиббӣй амалиётдаги зиддиятли вазиятларнинг сабаблари, уларни олдини олиш ва ҳал қилиш усуллари. Тасодифӣй вазиятларнинг турлари. Зиддиятли вазиятларни ҳал қилишда биоэтика модулининг роли, унинг тамойиллари ва нормалари. Эксперт этикаси. Биотиббӣй этика бўйича қўмиталар биоэтика институционализациялинувишини ташкил этиш шакли сифатида. Биоэтика қўмиталарининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари. Ахлоқ қўмиталари учун стандарт фаолият тиблари. Ўзбекистон Республикасида биотиббӣй тадқиқотлар ва биоэтика қўмиталарининг фаолиятини ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳолати.

3.2. Модулдаги амалӣй ва лаборатория машғулотлар мавзулари, ташкил этиш бўйича умумӣй кўрсатма ва тавсиялар:

3.2.1. Амалӣй машғулотларнинг мавзулар рўйхати:

1. Биоэтика: замонавий биотиббӣй этиканинг асосий тушунчалари, томайиллари ва муаммоли вазиятлари.

Этика, касбӣй этика, касбӣй тиббӣй этика, деонтология, тиббӣй деонтология, биоэтика, тиббӣй этика, биотиббӣй этика, биометиббӣй тадқиқотлар этикаси ва ўзаро боғлиқлик тушунчалари. Тиббиётдаги муаммоли вазиятларнинг асосий йўналишлари: шифокор ва бемор ўртасидаги муносабатлар, биотиббӣй тадқиқотлар этикаси, соғлиқни сақлаш. Инсон ҳаётининг бошланишининг ахлоқий ва ҳуқуқий муаммолари: сунъий уруғлантириш ва ҳомиладорликни тугатиш, ҳолатни белгилаш, инсон эмбрионининг нормаси ва патологияси. Инсон ҳаётининг тугаши, эвтаназия муаммолари. Реанимация ва орган трансплантацияси муаммолари.

2. Биотиббӣй этикада ҳаёт ва ўлим муаммоси.

Ҳаёт ахлоқий ва фалсафий муаммо сифатида. Инсон ҳаётининг сифати ва қадриятлари муаммоси: устувор масалалар. Инсон ҳаётининг бошланиши ва охири мезонлари. Инсоннинг яшаш ҳукуқи.

Ўлим ахлоқий ва фалсафий муаммо сифатида. Ўлимнинг ахлоқий маъноси. Ўлим мезони муаммоси. Ўлимни аниқлаш ва ташхислаш пайтидаги ахлоқий муаммолар. Инсон ҳаётининг тугаши билан боғлиқ ахлоқий дилемма. Инсоннинг ўлимга бўлган ҳукуқи.

3. Инсон ҳаётининг бошланишидаги ахлоқий дилемма.

Инсон ҳаётининг репродуктив ахлоқий жиҳатлари. Ҳомила статуси ва ҳуқуқлари.

Янги репродуктив технологиялар: ахлоқий мезон. Сунъий уруғлантириш. Инвитро уруғлантириш. Эмбрионларни манипулятсия қилиш, "ортиқча" эмбрионлар муаммоси, кўп ҳомиладорлик хавфи, эмбрионларнинг редукцияси, болалар саломатлиги. Сунъий уруғлантириш ёки ИВФ ва ПЕ орқали туғилган боланинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳолати. Анонимлик ва боланинг ота-онасини билиш ҳуқуқи. Шифокорнинг ахлоқий жавобгарлиги. Суррогат оналик. Оналикни тижоратлаштириш, оилавий алоқаларни узиш, суррогат она ва бола учун психологик травма эҳтимоли.

4. Сунъий абортнинг этик муаммолари.

Сунъий аборт масаласида асосий ахлоқий позиция: консерватив, мўътадил, либерал ёндошувлар Ҳомиладор аёлнинг автономияси ва эмбрионнинг ҳаётга бўлган ҳуқуқи. Тиббий ва ижтимоий сабабларга кўра аборт қилиш.

Перенатал ташхиснинг этик жиҳатлари. Ташхис қўйиш усулини танлашда оқилона хавфни асослаш муаммоси. Ташхиснинг ноаниқлиги шароитида маънавий асосланган танлов. Ривожланиш нуксонлари бўлган янги туғилган чақалоқларга бўлган муносабат. Аборт ва диний ахлоқ.

Аҳолини кўпайишини бошқариш: ахлоқий мезон. Контрацепция ва оилани табиий режалаштириш. Мажбурий ва ихтиёрий стерилизатсия. Контрацепция, стерилизатсия ва диний ахлоқ. Аҳолининг жинсий тарбияси ва маданияти.

5. Инсоннинг ўлимга бўлган ҳуқуқи.

Янги тиббий технологиялар асрида ўлим ва ўлиш. Ҳаётни сақлаш учун қўлланиладиган даволаниш ва ундан воз кечиш. Реанимация этикаси. Ҳаётни узайтириш ёки ўлишни кечиктириш ноаниқлик зонасидир. Э. Күблер-Росс концепциясида "Ўлим ўсиш босқичи сифатида". "Ҳаёт сифати" ва "кадр-қимматю шараф билан ўлиш" муаммоси. Ўлим маданияти. Тиббий амалиётда ҳаётнинг тугаши ёки уни зўрлик билан узайтириш тўғрисидаги қарор. Даволаш ва паллиатив ёрдам этикаси. Терминал беморларининг психологияси. Паллиатив ёрдамнинг ижтимоий ташкилоти. Хоспис ҳаракатининг тарихи ва тамойиллари. Ўлган беморнинг яқинларини қўллаб-қувватлаш. Тиббий ходимларга психологик ёрдам ("чарчаш синдроми" ҳиссий ва жисмоний чарчоқ ҳолати сифатида). Паллиатив ёрдам бўйича шифокорларни тайёрлаш.

Эвтаназиянинг ахлоқий масалалари. Эвтаназия таърифи. Эвтаназия: раҳм-шафкатми ёки жиноятми? Эвтаназия "ёрдам бериш учун ўз жонига қасд қилиш" сифатида. Ўз жонига қасд қилиш ва маънавий жавобгарлик муаммоси. Эвтаназиянинг шакллари: фаол ва пассив, тўғридан-тўғри ва билвосита, ихтиёрий ва ихтиёрий. Ўта катта етишмовчилиги бўлган янги туғилган чақалоқларнинг эвтаназияси муаммоси.

6. Ген инженерясини этик муаммоларини ахлоқий тушуниш: унинг имкониятлари, истиқболлари ва хавфлари.

Генетика ахлоқий муаммоларининг ўзига хос хусусиятлари. Генетик маълумотларни олиш ва ундан фойдаланишнинг ахлоқий муаммолари. Генетик маслаҳат, тест, скрининг. Тиббий ва генетик маълумотларнинг ихтиёрий равишда олиниши ва махфийлиги, тиббий ва генетик ёрдамдан фойдаланиш, ирсий хусусиятларга асосланган камситиш ва стигматизацияни таққилош. Генетик маслаҳатларининг директиваси ва нодирективлиги. "Билиш ҳуқуқи" ва "билмаслик ҳуқуқи" генетик ташхис. Ташхис ва даволаш, назария ва амалиёт ўртасидаги фарқ. Ген терапиясининг ахлоқий муаммолари. Ген терапиясининг эксперименталь характери ва унинг олдиндан билиб бўлмайдиган оқибатлари.

Трансген ўсимликлар ва ҳайвонларни яратиш ва улардан фойдаланишнинг ахлоқий жиҳатлари.

Генетик маълумот мулк сифатида. Генетик сертификатлаш Генларни патентлаш муаммоси. Эвгеника ва миллатнинг "генофонд" муаммоси. Ижобий ва салбий эвгеника.

7. Клонлаш ва унинг этик оқибатлари.

Инсонни клонлаштириш: мунозараси бўйича дастлабки дарслар. Клонлаш масаласини ҳал қилишда сиёсий ва илмий жамоаларнинг ўрни. Модулнинг манфаатлари ва қадриятлари, инсониятнинг маефаати ва қадриятлари. Репродуктив ва терапевтик клонлаш. Одамнинг эмбрионал ўзак хужайраларидан фойдаланиш. Инсон биоматериалини ўрганишнинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари. Клонлаш ва инсоннинг ахлоқий ва маънавий табиати. Клонлаш учун ва унга қарши бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий нуқтаи назар. Клонлашнинг маънавий ва ижтимоий оқибатлари.

8. Трансплантологиянинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари.

Тирик донорлардан орган олишнинг ахлоқий жиҳатлари. Хайр-эҳсон ўз яқинига алтруистик, онгли, ихтиёрий қурбонлик сифатида. Одам ўлими ҳақида турли хил тушунчалар ва уларнинг орган ва тўқима трансплантациясининг ривожланиши билан боғлиқлиги. Жасаддан орган кўчиришнинг ахлоқий муаммолари. Трансплантация қилиш учун органларни йиғиш турлари (мунтазам тўсиқ, розилик презумпцияси, қелишмовчилик презумпцияси). Адолат муаммоси ва инсон тўқималари ва органларининг "тарқалиши" мезонлари. Экспресс ва назарда тутилган розилик. Донор (донор) ва олувчининг (олувчининг) махфийлиги. Хайрия қилиш, эҳсон қилиш ва аъзоларни сотиб олишнинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари. Трансплантологияни тижоратлаштириш.

Хомилалик терапия ва косметологияда аборт қилинган материалдан фойдаланиш: ахлоқий жиҳат. Хомилалик органлар ва тўқималарни трансплантация қилишнинг ахлоқий хусусиятлари.

Эмбрион ўзак ҳужайраларини ишлатишда ахлоқий муаммолар. Ксенотрансплантацияни ахлоқий муаммолари. Сунъий органларни яратиш ва улардан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасининг органлар ва тўқима трансплантацияси тўғрисидаги қонунлари.

9. Реконструктив жарроҳлик этикаси.

Гермафродитизм ва транссексуаллик: психотерапия, гормонал терапия, операцион жарроҳлик. Тиббий, ахлоқий, ҳуқуқий оқибатлар. Косметик ва реконструктив жарроҳлик.

10. Психиатрия ва психотерапиядаги этика.

Психиатриянинг ахлоқий ва психологик хусусиятлари: заифлик, кўплаб беморларнинг қобилиятсизлиги, ташхиснинг стигматизация қилувчи хусусияти, беморларнинг ижтимоий бегоналашуви ва бошқалар. Психиатрия тарихининг ижтимоий-маданий таркиби. Психиатрия тарихидаги оталик ва антатератеризм. Психиатрик ҳаракат (XX асрнинг 60-70-йиллари). Психиатрия соҳасидаги ахлоқий ва ҳуқуқий тартибга солиш: инсонийлик ва руҳий касалликлари бўлган одамларнинг инсоний кадр-қимматини ҳурмат қилиш, камситишга йўл қўймаслик, руҳий касалларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш. Мажбурий касалхонага ётқизиш ва руҳий касалларнинг ихтиёрий равишда розилиги. Беморнинг психиатрик ёрдамни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқи. Замонавий психиатриянинг деинституционализация тенденцияси. Муайян тиббий муолажаларни мажбурий ишлатишга йўл қўймаслик. Психиатрияда тиббий сирларнинг ўзига хос хусусияти (гуруҳ психотерапияси, хизматдан ташқари шароитда беморлар ҳақида гаплашиш ва бошқалар). Васийликка олинган беморни васийга махфий маълумотларни тақдим этиш тақиқини ҳурмат қилиш. Замонавий психотерапиянинг ахлоқий масалалари. Ахборот келишувини олиш ва беморни учинчи томонга маълумотни ошкор қилиш имкониятлари тўғрисида билиш ҳуқуқини тан олиш (тадқиқот, суғурта ёки оилавий даволаниш учун).

Девиант хулқли беморларни (ғиёҳванд моддалар, алкогольли ичимликлар ва бошқа ғиёҳвандликларга мойил бўлганлар, геронтологик беморлар) алоқа ва даволашнинг жиҳатлари.

11. ОИВ инфекциясининг ахлоқий муаммолари.

ОИТСга қарши курашда иккита модел: мажбурий давлат рўйхатидан ўтиш ва тиббий кузатув модели; беморнинг устуворлигига асосланган модел. "Спидофобия" ва тиббий этика талаблари. Дискриминация ва ижтимоий остракизм, вирус ташувчилар ва ОИТС билан касалланганларга қарши босим. Тиббий махфийликни сақлашнинг аҳамияти. Шифокорлар орасида спидофобия, тиббий ёрдамни рад этиш, ташхисни ошкор қилиш. Ихтиёрий ва аноним синов. ОИВ билан касалланган одамларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш. ОИТС ятрогения сифатида. ОИТС инфекциясининг

статистикаси. Донорнинг қон текшируви. Эпидемиологик текширувлар ва нозокомиал инфекция фактлари. Тиббиёт ходимлари учун ОИТС ва касбий хавф.

12. Халқаро ҳужжатларда одамларда биотиббӣй тадқиқотларни ахлоқӣй ва ҳуқуқӣй тартибга солиш.

Нюрнберг кодексининг (1947) асосий қоидалари: ихтиёрий розилик, ҳуқуқӣй қарорлар қабул қилишдан хабардорлик, мақсадлар, усуллар, мумкин бўлган ноқулайликлар, хатарлар ва экспериментнинг оқибатлари тўғрисида хабардорлик, уни ўтказишнинг ҳар қандай босқичида тадқиқотда қатнашишдан бош тортиш ҳуқуқини, хавфни минималлаштириш, малакали мутахассисларнинг тадқиқотлари. Хелсинки декларатсиясининг (1964) асосий қоидалари: клиник ва клиник бўлмаган тадқиқотлар ўртасидаги фарқ, тадқиқотларнинг илмӣй асослилиги, эълон қилинган натижаларнинг аниқлиги қафолати, махсус протокол, ахлоқӣй қўмиталар томонидан назорат қилиш, экспериментаторнинг инсон саломатлиги учун жавобгарлиги, беморнинг манфаати модул ва жамият манфаатларидан устундир. хавф ва фойда, субъектларнинг ихтиёрий равишда розилиги. Европа Кенгашининг Инсон ҳуқуқлари ва биотиббӣёт тўғрисидаги конвенциясининг (1996 й.) Асосий қоидалари: инсоннинг манфаатлари ва фаровонлиги жамият ва модул манфаатларидан устун туриши, ихтиёрий ахборот розилиги, инсон геномига аралашуш фақат профилактика, диагностика ёки терапевтик мақсадлар учун, боланинг жинсини танлашни тақиқлаш, инсон билан генетик жиҳатдан ўхшаш бўлган одамни яратишни тақиқлаш, тадқиқот мақсадида инсон эмбрионларини яратишни тақиқлаш, трансплантация донор розилиги билан ва даволаш мақсадида, Биотиббӣй муаммолар ва бошқалар, кенг жамоатчилик муҳокамасига эҳтиёж.

13. Одамлар устида тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказишнинг ахлоқӣй жиҳатлари.

Тадқиқот этикасининг асосий тамойиллари. ва субъектнинг ахборот келишуви. Клиник синовда иштирок этадиган беморларга таъсир этишнинг мумкин эмаслиги. Тадқиқотда хавф ва фойда нисбати. "Минимал хавф" тушунчаси. Биотиббӣй тадқиқотлар иштирокчиларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш. Тадқиқот объектларини танлаш ва уларнинг фаровонлигини ҳимоя қилиш. Нисбатан соғлом қўнғиллилар, беморлар, эмбрионлар, болалар, ақлан ва жисмоний "заиф" одамларни тиббӣй тадқиқотларининг ахлоқӣй муаммолари. Заиф гуруҳларни жалб қилган биотиббӣй тажрибаларнинг ахлоқӣй жиҳатлари. Ривожланаётган мамлакатларда тўлиқ маълумотларга асосланган ҳолда розилик олиш муаммоси.

Психотроп тажрибаларнинг ахлоқӣй жиҳатлари ва одамларни манипуляция қилиш хавфи. Биотиббӣй тадқиқотда махфӣйлик. Тажриба қатнашчилари соғлиғига этказилган зарарни қоплаш. Биотиббӣй тадқиқотларни ўтказишнинг муайян йўналишлари, шакллари ва усулларига мораториянинг имконияти ва мақсадга мувофиқлиги.

14. Тадқиқотчининг масъулияти ахлоқ қоидалари.

Унинг шахсияти ва хулқ-атвориға бўлган ахлоқий талаблар: илмий объективлик, далил, тадқиқотда ҳалоллик ва виждонлилик; камтарлик ва ўзини танқид қилиш; оппонент ва ҳамкасблар ишларига ҳурмат. Биотиббий тадқиқотларда манфаатлар тўқнашуви ва уларни ҳал қилиш усуллари Қарама-қаршиликнинг асосий сабаблари: фикрлашнинг ҳар хил кўлами, даъвогарчилик, раҳбарнинг илмий салоҳиятига ишончсизлик, уларнинг ишини баҳолашдан норозилик, "душманлар" нинг пайдо бўлиши. Тадқиқотчининг илмий одиллиги ва инсофсизлиги. Маълумотни бошқаришга, компетенция ва плагиатга йўл қўймаслик. Биотиббий кашфиётлар ва ихтироларни патентлаш муаммоси.

3.2.3. Амалий ва лаборатория машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза) ва 50% амалий қисм (амалий ва лаборатория машғулоти)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;

3.2.3. Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

УК 1¹. Соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги таълимот, “шифокор ва мижоз” ўртасидаги муносабат ўрната олиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Тиббиётнинг улкан намоёндалари ва илмий кашфиётларни очилиши, гуманистик ғояларни тиббиётга таъсирини билиши;

УК 3. Хорижий ҳуқуқ, нормалари, ахборот ҳуқуқи, конституцион, фуқаролик меҳнат, оила, маъмурий ва жиноий ҳуқуқларини хабардор бўлиш;

УК 4. Шифокорлик фаолиятининг ахлоқий-этик нормалари, қоида ва тамойиллари, шифокор ва мижознинг ҳуқуқлари, замонавий қонунчиликнинг этик асослари, шифокорнинг жамиятдаги мажбурияти, ҳуқуқлари ва ундаги ўрни, халқаро ташкилотлар, Ўзбекистоннинг ва халқаро касаба уюшма,

¹ УК- умумий компетенция

тиббиёт ассоциацияларнинг асосий этик ҳужжатларидан фойдаланиш қобилияти;

УКК 1². Мустақил нуқтаи назарга, таҳлил қилишга, мантикий фикрлашга, оммавий чиқишларда ахлоқий-этик фактларга асосланишга, мунозара ва баҳсларда шифокорлик этикаси тиббиёт деонтологияси тамойилларига амал қилишга тайёргарлик;

УКК 2. Профессional фаолиятда мижозлар ва улар қариндошларига “информацион келишув” талаблари ва қоидалари мос равишда ахборотлар беришга тайёргарлик;

УКК 3. Касбий муаммоларни ҳал этишда билим, кўникма ва малакаларини қўллашга тайёргарлик.

УКК 4. Профессional фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, таъкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар:

4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:

1. Инсон ҳаётининг бошланишидаги ахлоқий дилемма.
2. Сунъий абортнинг этик муаммолари.
3. Ген инженерияси муаммосини этик фикрлаш.
4. Клонирлаштириш ва унинг этик оқибатлари.
5. Трансплантологиянинг ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатлари.
6. Реконструктив жарроҳлик этикаси.
7. Психиатрия ва психотерапияда этика.
8. ОИВ инфекциясининг ахлоқий муаммолари.
9. Халқаро ҳужжатларда одамларда биотиббий тадқиқотларни ахлоқий ва ҳуқуқий тартибга солиш.
10. Одамларда ўтказиладиган экспериментал тадқиқотларда этик жиҳатлар.
11. Тадқиқотчининг масъулиятли ахлоқ қоидалари.
12. Ҳайвонлар экспериментларининг ахлоқий жиҳатлари.

Биоэтика модули бўйича курс иши режада кўзда тутилмаган.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

Биоэтика модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади. Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- якуний назорат (ЯН).

² УКК – умумий касбий компетенция

Модулга ажратилган 1,5 кредитни талаба ЖН давомида йиғади. Семестр якунида ёзма тест топширилади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Биоэтика модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар, беморлар билан ишлаш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Жорий назоратда талаба ажратилган кредитни тўлиқ тўплаши шарт, шундагина у ЯН киритилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида модул бўйича жорий назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Модул бўйича талаба рейтинги қуйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	A	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз	5	Аъло

		билан	ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши; ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши; модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши; модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
81-85	В	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим хатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;	4	Яхши

			стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий машғулотларда норматив-ҳукукий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
71-80	С	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва		

			белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан; амалий машғулотларда норматив-ҳукукий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаalarda фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;		
60-70	D	"қоникарли" – суcт натижа, кўпол камчиликлар билан	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқиладиган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;	3	Қони қарли

			назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага тенг	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва хатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва хатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил эмас ва хатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқиётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	"қониқарсиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштири	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз	2	Қониқарсиз

		ши зарур	хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		
0-30	F	"мутлоқ қониқарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантикий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯНда талабанинг билим, кўникма ва малакалари модулнинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯН модул бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг кафедрада оғзаки шаклида ўтказилади. ЯНда 55 саралаш баллини ололмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда тўлиқ кредитни йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга руҳсат берилади.

Семестр якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг такдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида ҳулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

Якуний назоратга 0,5 кредит ажратилади. ЯН модул якунида оғзаки шаклида ўтказилади. Бунда талабаларнинг компетенцияларни, амалий кўникмаларни эгаллаш даражаси ва назарий билимлари текширилади. Максимал балл 100, ўтиш бали 56 балл.

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

5.1. Асосий адабиётлар

1. Шифокор ва бемор Зокирходжаев Ш.Я., Солихов М.У. 2016 йил
2. Силуяновой И. В. Биоэтика в России: ценности и законы., М. 2001. Р
3. Каримов Ш.И.Соглом овкатланиш-саломатлик мезони 2015 йил
4. Фаулер М.. Этика и сестринское дело. М., 1994.
5. Мерта Дж.. Справочник шифокора общей практики. М.,1998.
6. Магазник Н.А.. Искусство общения с больными. М., 1991.
7. Қосимов Э.Ю.. Мулоқот санъати. Тошкент, 1996.
8. Исаков Э.З. Биоэтика. Ўқув қўлланма. 2020.

5.2. Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони (Халқ сўзи 2017 йил, 8 феврал).
2. Ш. Мирзиёв. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Т. : Ўзбекистон, 2017.
3. Ш. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т. : Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси
5. Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
7. Орлов А.Н. Исцеление словом, 1989.
8. Международный кодекс медицинской этики. Ж. Шифокор, 1994, №-4, с-47.
9. Остапенко А.Л. деонтология медсестры при проведении некоторых диагностических манипуляции. Медсестра, 1994, №-1.
10. Ярошевский М.Я. Медработник и МИЖОЗ. Медпомощь, 1996, №-3.
11. Бойко Ю.Н. Элементы психотерапии в общесоматической поликлинике. Ж. Медсестра, 2000, №-2.
12. Островская И.М. Вербальный способ общения. Ж. Медсестра, 2001, №-7.
- Островская И.В. Медсестра и МИЖОЗ: общения для обмена полезной информации. Ж. Медсестра, 2000, №-4.

5.3. Интернет манбалари

1. <http://msu.ru/bioetika>
2. <http://biosocial.ru>
3. <http://bioethicsa.wixsite.com/bioethics/untitled-c20sw>
4. <http://aavs.org/>
5. <http://leapingbunny.org/>
6. <http://www.tma.uz>
7. <http://www.fftma.uz>

“БИОЭТИКА” МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

Модулнинг тўлиқ номи	Биоэтика		
Модул коди:	Кредит ҳажми: 1,5 кредит Шундан: ЖН – 1,5 кредит: ЯН – 0 кредит (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 3-семестр	ECTS value: 2,5
Таълим йўналиши	5313000 – Биотиббйёт муҳандислиги		
Модулнинг давомийлиги	18 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат:	54	
	Шунингдек:		
	Маъруза	8	
	амалий машғулот	28	
	мустақил таълим	18	
Ўқув модулининг	Умумқасбий модуллар блоки		

статуси		
ОТМ номи, манзили		
Кафедра номи		
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:
Машғулот вақти ва жойи		
Модулнинг мазмуни	Биоэтика – модуллараро билим соҳаси ҳисобланиб, тиббиётнинг ва биологик модулларнинг тезкор ривожланиши билан боғлиқ соғлиқни сақлашда юқори технологиялардан фойланишда юзага келадиган кенг кўламдаги фалсафий этик муаммоларини камрам олади. Биологиянинг ривожланиши ҳозирги замонда тиббиётда цивилизацион янгиланишлари жароёни билан боғлиқдир. Тиббиётдаги традицион кадрятлар раҳм-шавқат, мижоз саломатлигига зарар етказиш ва бошқа ҳолатларда янгича маънавий аҳамият оҳанга эга бўлмокда.	
Пререквизитлар	Фалсафа, психология ва педагогика, анатомия, гигиена тиббий экология модуллари назарий қисми ҳисобланади.	
Постреквизитлар	“Тиббиёт техникаси ва янги тиббиёт технологиялари” модули кейинчалик тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ва режалаштириш, биотиббиёт муҳандислигида менежмент асослари ихтисослик модулларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникмаларни шакллантиради.	
Модулнинг мақсади	Бўлажак мутахассисларда ахлоқий ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, замонавий биоэтикани асосий бўлимлари, концепциялари тамойил ва қоидалари, мезон ва муаммолари билан таништириш, асосий халқаро қонунчилик ва ЎзРнинг тиббий қонунчилигини таништириш, этик-қонуний ҳужжатлар таҳлил қилишда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш, шифокорда касбий-этика қобилятини шакллантириш, мураккаб этик-ҳуқуқий вазиятларида мушоҳада ва мунозаралар олиб бориш, далиларни келтиришни ўрганиш ва кўникмага эга бўлиш.	
Модулнинг вазифалари	Биоэтика модулини ўқитиш талабалар онгида гуманизм, ҳаёт ва фаолият мазмуни, одоб ва ахлоқ кадрятлари билиш ва уларни ҳар кунлик ҳаёти ва касбий фаолиятида фойдаланишни ўрганиш, шифокорлик фаолияти соҳасида вужудга келадиган ахлоқий муаммолар ўзоқ даврлардан буён жамиятнинг муаммоларидан бири ҳисобланади. Барча даврларда шифокорлик фаолияти мураккаб ва шарафли касб ҳисобланади. Шифокор ўзининг касбидан келиб чиқиб юксак маданиятга, беморлар, одамлар ва жамиятга нисбатан чуқур инсоний ҳурмат ва муҳаббат каби юқори ахлоқий сифатларга эга бўлиши керак.	
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар: – муаммоларни таҳлил қилишни усул ва йўлларни; – илмий билишнинг шакл ва усуллари ва унинг эволюцияси; – тиббиёт тизимлари ва тиббиёт мактаблари тўғрисида тасаввур; – соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги таълимот, “шифокор ва	

	мижоз” ўртасидаги муносабат; – тиббиётнинг улкан намоёндалари ва илмий кашфиётларни очилиши, гуманистик ғояларни тиббиётга таъсири; – хорижий ҳуқуқ, нормалари, ахборот ҳуқуқи, конституцион, фуқаролик меҳнат, оила, маъмурий ва жиноий ҳуқуқлар; – шифокорлик фаолиятининг ахлоқий-этик нормалари, қоида ва тамойиллари, шифокор ва миждознинг ҳуқуқлари, заманавий қонунчилиқнинг этик асослари; – шифокорнинг жамиятдаги мажбурияти, ҳуқуқлари ва ундаги ўрни; – халқаро ташкилотлар, Ўзбекистоннинг ва халқаро касаб уюшма, тиббиёт ассоциацияларнинг асосий этик ҳужжатлари; – фикрларнинг хилма хиллиги шароитида зиддиятларни хал қилишда бахс-мунозара олиб бориш принципи зиддиятларни хал қилишнинг асосий йўллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши; – Ўзбекистон ва унинг ташқарисидаги ижтимоий вазиятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш шунингдек, ўзининг фаолиятини ушбу таҳлил натижаларидан келиб чиқиб мустақил амалга ошириш; – аниқ амалий вазиятларда меҳнат тўғрисидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий актларга таянган ҳолда меҳнат қонунчилигини қўллаш; – шифокорлар ва турли қатламдаги миждозларни фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш; – жамодаги аъзоларни ишчан фаолият муносабатларини қўллаб қувватлашни билиши ва улардан фойдалана олиши; – мустақил нуқтаи назарга, таҳлил қилишга, мантикий фикрлашга, оммавий чиқишларда ахлоқий-этик фактларга асосланишга, мунозра ва бахсларда шифокорлик этикаси тиббиёт деонтологияси томоийилларига амал қилиш; – миждозлар ва улар қариндошларга “информацион келишув” талаблари ва қоидалари мос равишда ахборотлар бериш; – модулни ўрганиш жараёнида касбий фаолиятда билим, кўникма ва малакаларини қўллаш малакаларига эга бўлиши керак.
Таълим бериш усуллари	Маъруза амалий машғулотлар.
Таъминот	видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.

Ўқитиш натижалари:

Модулни яқунлаганда талаба билиши керак:

1. Муаммоларни таҳлил қилишни усул ва йўллари;
2. Илмий билишнинг шакл ва усуллари ва унинг эволюциясини;

3. Тиббиёт тизимлари ва тиббиёт мактаблари тўғрисида тасаввур пайдо бўлиши;
4. Соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги таълимот, “шифокор ва мижоз” ўртасидаги муносабатни;
5. Тиббиётнинг улкан намоёндалари ва илмий кашфиётларни очилиши, гуманистик ғояларни тиббиётга таъсирини;
6. Хорижий ҳуқуқ, нормалари, ахборот ҳуқуқи, конституцион, фуқаролик меҳнат, оила, маъмурий ва жиноий ҳуқуқларни;
7. Шифокорлик фаолиятининг ахлоқий-этик нормалари, қоида ва тамойиллари, шифокор ва мижознинг ҳуқуқлари, заманавий қонунчиликнинг этик асосларини;
8. Шифокорнинг жамиятдаги мажбурияти, ҳуқуқлари ва ундаги ўрнини;
9. Халқаро ташкилотлар, Ўзбекистоннинг ва халқаро касаба уюшма, тиббиёт ассоциацияларининг асосий этик ҳужжатларини;
10. Фикрларнинг хилма-хиллиги шароитида зиддиятларни ҳал қилишда баҳс-мунозара олиб бориш принципи, зиддиятларни ҳал қилишнинг асосий йўллари.

Модулни яқунлаганда талаба бажара олади:

1. Ўзбекистон ва унинг ташқарисидаги ижтимоий вазиятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш шунингдек, ўзининг фаолиятини ушбу таҳлил натижаларидан келиб чиқиб мустақил амалга ошириш;
2. Аниқ амалий вазиятларда меҳнат тўғрисидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий актларга таянган ҳолда меҳнат қонунчилигини қўллаш;
3. Шифокорлар ва турли катламдаги мижозларни фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
4. Жамодаги аъзоларни ишчан фаолият муносабатларини қўллаб қувватлаш.

